

Ф.Н. Саидова
Андижон давлат университети
boburf@list.ru

ЎҚИШ МОТИВАЦИЯСИ МУАММОСИ ЧЕТ ЭЛ ПСИХОЛОГЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА

Аннотация. Ушбу мақолада ўқиш мотивациясининг таълим-тарбия жараёнида ўрни ўқув самарадорлигини оширишдаги ролига алоҳида тўхталган ва олимларнинг бир нечта фикрлари мисолида таҳлил қилиниб тавсиялар берилган. Чет эл психологларининг тадқиқотлари, тажрибалари ёритилган.

Калит сўзлар: тажриба, ўргатиш, анъана, янгилик, концепсия, таълим мотивация.

Ф.Н. Саидова
Андижанский государственный университет
boburf@list.ru

ПРОБЛЕМА МОТИВАЦИИ УЧЕНИЯ ПРИ ИССЛЕДОВАНИИ ИНОСТРАННЫХ ПСИХОЛОГОВ

Аннотация. В статье описывается процесс образования, обучения и мотивации для изучения эффективности воспитательной роли и подчеркнута роль ученых в ряде идей, анализа и рекомендаций, зарубежные психологические исследования, эксперименты.

Ключевые слова: образование, мотивация, эксперимент, учить, традиция, новость, концепция, психологический, роль, воспитание, механизм.

Таълим бериш жараёнида ўқиш мотивациясининг ўрни бутун дунё олимлари томонидан тан олинган ва ҳар томонлама ўрганилган. Ўқув самарадорлигини ослиришда ўқув мотивациясининг ролини чет эл олимлари ўз тадқиқотларида тадқиқ қилдилар. Шу нуқтаи назардан туриб. қўзғатувчилардан ташқарида содир бўладиган хатти-ҳаракатларни тушунтириш бўйича бир талай лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни кўриб чиқиш ички мотивациянинг механизмларини таҳлил қилишда қўл келади. Шундай лойиҳалардан бирини Оллпорт (1937, 1955. 1961) таклиф қилади. Оллпорт ички мотивация билан боғлиқ бўлган учта мотивацион тушунчалари таҳлил қилади; функционал автономия, етарли даражадаги ҳаракат ва «Мен»нинг, жалб қилинганлиги. У функционал автономия тамойилини фаолият даставвал бошқа сабаб бўйича пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолда, ўзи учун мақсадга айланиши ҳолатини тушунтириш учун киритади [1].

Торндайк ўқув масалалари бўйича иккита китоб эълон қилган: «Инсонда ўқув жараёни» (1931 йида рус тилига таржима қилинган) ҳамда инглиз тилидаги «Ўқиш асослари» (1932) китоби. Унинг «Инсонда ўқув жараёни» китоби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Торндайкнинг кўп сонли экспериментлари (тажрибалари) ёритилган бўлиб, Иккинчи бўлимда унинг ўқув жараёни тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари берилган [2]. Торндайк тажрибаиарининг алоҳида томони уларнинг жуда тор ва чекланган характерга эга эканлигидадир: улар реал ўқув жараёни билан жуда оз даражада боғлангандир.

Торндайк тажрибаиарининг алоҳида томони уларнинг жуда тор ва чекланган характерга эга эканлигидадир: улар реал ўқув жараёни билан жуда оз даражада Брунер ҳам ўқишни мотивлаштириш масаласига Торндайкдан бошқача қарайди.

«Ўқув жараёни» номли изланишларида Брунер ўқувчининг реал, етарли даражада узоқ давом этадигар. Ўқиш жараёни туфайли туғиладиган амалий ва назарий муаммоларни изоҳлашга ҳаракат қилади. Брунер ўқишни мотивациялаш, ёки ўқиш жараёнига нисбатан ўқувчиларнинг мойиллигини орттирувчи омиллар ҳақида эмас, балки унинг билан бирга, ўқувчининг мотивлари ҳақида ҳам фикр юритади. Гарчи унинг фикрлари умумий характерда бўлса ҳам, улардаги айрим йўналишлар диққатга сазовордир. Бу биринчи галда, ўқиш жараёнида билиш характеридаги мотивларнинг аҳамияти ва янги нарсани билишдар. пайдо бўладиган ички қаноат ҳисси, ҳимоя масалаларининг қўйилишидир.

Таълим беришда рағбатлантириш ва жазолашнинг роли ҳақида жуда кўп ёзилган, лекин «янгиликни очиш»да қизиқишнинг, ички кечинмаларнинг аҳамияти ҳақида жуда кам гапирилган. Агар биз психолог сифатида болаларни борган сари каттароқ ўқув мавзуларини эгаллашга ўргатишни истасак, афтидан, ўқув дастурини пухта майдалаб ўрганишда кўпроқ ички «рағбатлантиришни» қўллашимиз лозим. Кейинги пайтларда муҳокама этилаётган предметнинг мураккаб бўлимларини ўрганиш усулларида бири шундаки, ўқувчиларнинг имкониятлари ҳисобга олинсин, уларнинг ўз қобилиятлари ва кучларини етарли даражада сарфлай олишлари учун шароит яратилсин, токи улар самарали меҳнат фаолиятдан қониқиш ҳосил қилсинлар. Тажрибали педагоглар бундай меҳнат гаштининг кучини яхши биладилар. Бирон-бир муаммони ҳал қилишга чуқур шўнғиб кетган киши нималарни ҳис қилишини ўқувчилар билиши лозим.

Шу муносабат билан Э.Кероннинг «Ютуқни қўлга киритиш ва ундан узоқланиш мотивлари эпистемик ҳулқ-атворнинг дастлабки аниқлаштирувчи қисми» номли ишига тўхталиш мумкин. Муаллиф «Эпистемик ҳулқ- атвор» терминини -қоллайди ва бу орқали индивиднинг ўқиш, маърузалар тинглаш тинглаш, масалаарни тўғри қўйиш жараёнларида ўз фаоллигини ошириш тушунади [3]. Ўқувчининг таълимини мотивациялаш ва диагностика қилиш ҳақида фикр юритган олимлар Г.Леваид (1985) ва Г.Р.озенфеидиаминг фикрича, бу иш амалга ошириладиган вазиятни ҳам ҳисобга олиш керак, чунки бу таълим мотивацион диагностикаси учун муҳимдир.

Г.Розенфелд вазиятни янада тадқиқи қилиш вазифалари сифатида вазиятнинг илмий туриарини ажратиш зарурлигини кўрсатади. Фарб психологиясида мотивациясининг икки хил кўриниши ва уларнинг ўзига хос белгилари ҳақидаги масала чуқур ўрганилган. Булар экстринсив (ташқи шарт-шароитлар ва ҳолатларга боғлиқ бўлган ҳолда пайдо боладиган) ва интринсив (шахс диспозициялари билан эҳтиёжлар, установакалар, қизиқишлар, майллар мотивациялар. Бу йўналишдаги мунозаралар Х.Хекхаузеннинг «Мотивация и деятельность» китобида ўз аксини топган. Х.Хекхаузен интринсив ва экстринсив мотивациясининг турли хил концепсияларини олти турини фарқлайди. Бу концепсиялар асосий жараёнламинг муносабатларида биринчи режага қандай компонентларнинг чиқишига қараб бири-иккинчисидан фарқланади [3].

Шундай қилиб бу қуйида интринсив ва экстринсив мотивация бўйича алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз. Ўхшаш мотивлашган хатти-ҳаракатлар мақсадсиз фаоллик сифатида талқин қилинади. Масалан, болалардаги бундай хатти-ҳаракатларни, хусусан, ўйинни тадқиқ қилган Е.Клингер (1971) ўйин жараёни «ўйин учун ўйинда» кечишини, аниқроқ, қилиб айтганда, ўйинда аниқ мақсад йўқлигини, шунинг учун ҳам ўйиннинг ўзи мақсад эканлигини таъкидлайди. Р.Уайт (1959) нинг фикрича, атроф-муҳит билан ўзаро таъсир жараёнида индивид томонидан энг катта бўлган

фаолликлар ҳатти-ҳаракатларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Бундай кўринишдаги фаолликнинг асосини «ҳаракатчанлик мотивацияси» деб ҳисоблайди олим. Кейинчалик бориб умумий мотивациядан ёки ўзини-ўзи тасдиқлаш мотивлари.

Юқоридаги концепсияда илгари сурилган фикрларни Мак-Рейнолдснинг таснифи маълум маънода тўлдиришини кузатса бўлади. Бу таснифда ҳулқ-атворнинг интринсив мотивлашган шакллари фаолиятнинг ўзи кечиши учунгина амалга ошириладиган шакллари киритилади. Қандайдир якуний ҳолатга ёки мақсадга етишишга йўналган шакллари эса экстенсив мотивлашган ҳулқ-атворга киритади. Мак-Рейнолдс муваффақият билан билан, ҳокимият билан, ёрдам бериш билан, агрессия билан ёки бирорта мақсад билан боғлиқ бўлган мотивларни ташқи мотивлашган (экстринсив) деб ҳисобласа, ўйинга ва эстетик кечинмаларга ўхшаш фаолликнинг айрим турларинингина ички мотивлашган (интринсив) дея фикр билдиради, у ёки бу ҳатти-ҳаракатлар фаолиятнинг баъзи оптимал даражасини сақлаш тури ёки тақсимлашга йўналган бошқарув мавжуд бўлса интринсив мотивлашган ҳисобланади.

Бу концепсия бўйича назарий ёндашувлар Хебб (1955), Фиске ва Маддига (1961) тааллуқли бўлиб, улар «оптимал кўзғалиш (фаоллик)» ҳақидаги қонидани илгари суришади. Шу ўринда Хантнинг ишлари (1965, 1971) эътиборга сазовор. Унинг таълимоти Пиаженинг когнитив ривожланиш назарияси руҳига ҳамоҳанг бўлиб, унда психологик жараёнлар таҳлил қилинади ва кириб келаётган маълумотлар оқими билан қандайдир стандартлар (чизмалар, талаблар, мослашув даражаси) орасидаги «оптимал тафовут» ҳақида қонидалар илгари сурилади. Хант инсонни маълумотлами қайта ишлаш тизими деб ҳисоблайди ва унинг нисбатан маҳсулдорроқ фаолият кўрсатиши учун тафовутнинг бир қадар оптимал даражаси талаб қилинади. Идрок қилинаётган маълумот билан баъзи ички стандартлар ўртасидаги тафовут ўта катта ва ўта кичик бўлмагандагина ички, мотивация кўзғалади. Шундай тафовут ёрдамида фаоллашган ички мотивация маълум ҳатти-ҳаракатларни келтириб чиқаради ва мазкур тафовут йўқ қилинганда фаолликни сақлаб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Абу Наср Фаробий* Фозил одамлар шаҳри. Т. 1993. Б. 224.
2. Петровский А.В. Умумий психология. таҳририда. Т. 1992. Б.138.
3. *Ғозиев Э.* Олий мактаб психологияси. Т. 1997. Б-89.